



**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EiSSN 2181-2187

**2 (76) 2025**

**Сопредседатели редакционной  
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ  
Л.М. АБДУЛЛАЕВА  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
М.А. АБДУЛЛАЕВА  
Х.А. АБДУМАЖИДОВ  
Б.З. АБДУСАМАТОВ  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
С.М. АХМЕДОВА  
Т.А. АСКАРОВ  
М.А. АРТИКОВА  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
А.А. ДЖАЛИЛОВ  
Н.Н. ЗОЛотова  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВ  
А.С. ИЛЬЯСОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
А.М. МАННАНОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
М.Р. МИРЗОЕВА  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Ф.С. ОРИПОВ  
Б.Т. РАХИМОВ  
Х.А. РАСУЛОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОВЕВ  
С.А.ГАФФОРОВ  
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Ш.Т. САЛИМОВ  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
Д.А. ХАСАНОВА  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х. ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
Д.О. ИВАНОВ (Россия)  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал  
Научно-реферативный,  
духовно-просветительский журнал*

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**2 (76)**

**2025**

*февраль*

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 579.842.1:616.98

## ЎТКИР ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИ ОРАСИДА САЛЬМОНЕЛЛЁЗНИНГ САЛМОҒИНИ ЎРГАНИШ

<sup>1</sup>Худойдодова Сайёра Гафурджановна <https://orcid.org/0000-0002-0146-5710>  
e-mail: [xudoydodova.sayyora@bsmi.uz](mailto:xudoydodova.sayyora@bsmi.uz)

<sup>2</sup>Бахриева Зебунисо Джалололидиновна <https://orcid.org/0009-0004-7289-2738>  
e-mail: [zebobaxrieva@gmail.com](mailto:zebobaxrieva@gmail.com)

<sup>1</sup>Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,  
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

<sup>2</sup>Самарқанд давлат тиббиёт университети Ўзбекистон, Самарқанд, Амир Темур 18, Тел:  
+99818 66 2330841 E-mail: [sammi@sammi.uz](mailto:sammi@sammi.uz)

### ✓ Резюме

Тадқиқотнинг мақсади Самарқанд вилоятида рўйхатга олинган ўткир ичак инфекциялари ўртасида сальмонеллёз улушини аниқлаш бўлди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасидан ўрганилаётган йиллардаги ЎИИ билан касалланиш тўғрисидаги расмий маълумотлар олинди ҳамда ретроспектив таҳлил қилинди. Олинган натижаларга кўра, Самарқанд вилоятида ЎИИ ларининг учраш даражаси Ўзбекистон Республикасида кузатишган ҳолат каби кўтарилишига мойил бўлиб, рўйхатга олинган ЎИИ ларининг фақат 1:7 қисмининг этиологик омилли бактериологик текширув усули ёрдамида тасдиқланмоқда, этиологик омилли тасдиқланган ичак инфекцияларининг ўртача 3,6% ни сальмонеллёз инфекцияси ташкил қилади.

Калит сўзлар: сальмонеллёз, Самарқанд вилояти, касалланиш даражаси

## ИЗУЧЕНИЕ РАСПРОСТРАНЕННОСТИ САЛЬМОНЕЛЛЁЗОВ СРЕДИ ОСТРЫХ КИШЕЧНЫХ ИНФЕКЦИЙ

<sup>1</sup>Худойдодова Сайёра Гафурджановна <https://orcid.org/0000-0002-0146-5710>  
e-mail: [xudoydodova.sayyora@bsmi.uz](mailto:xudoydodova.sayyora@bsmi.uz)

<sup>2</sup>Бахриева Зебунисо Джалололидиновна <https://orcid.org/0009-0004-7289-2738>  
e-mail: [zebobaxrieva@gmail.com](mailto:zebobaxrieva@gmail.com)

<sup>1</sup>Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,  
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

<sup>2</sup>Самаркандский государственный медицинский университет Узбекистан, г.Самарканд, ул.  
Амира Темура 18, Тел: +99818 66 2330841 E-mail: [sammi@sammi.uz](mailto:sammi@sammi.uz)

### ✓ Резюме

Целью исследования было определение доли сальмонеллезов среди острых кишечных инфекций, зарегистрированных в Самаркандской области. С этой целью были получены официальные данные о заболеваемости ОИИ в изучаемые годы от Центра санитарно-эпидемиологического мира и общественного здравоохранения Республики Узбекистан и проведен ретроспективный анализ. Согласно полученным результатам, частота встречаемости ОКИ в Самаркандской области имеет тенденцию к увеличению, как и в других областях Республики Узбекистан, этиологический фактор только 1:7 от зарегистрированных ОКИ подтвержден методом бактериологического исследования. в среднем 3,6% кишечных инфекций с подтвержденным этиологическим фактором является сальмонеллезная инфекция.

Ключевые слова: сальмонеллез, Самаркандская область, уровень заболеваемости.

## STUDY OF THE PREVALENCE OF SALMONELLOSIS AMONG ACUTE INTESTINAL INFECTIONS

<sup>1</sup>Xudoydodova Sayyora Gafurzhonovna <https://orcid.org/0000-0002-0146-5710>  
*e-mail: xudoydodova.sayyora@bsmi.uz*

<sup>2</sup>Bakhriyeva Zebuniso Jaloliddinovna <https://orcid.org/0009-0004-7289-2738>  
*e-mail: zebobaxrieva@gmail.com*

<sup>1</sup>Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1  
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

<sup>2</sup>Samarkand State Medical University Uzbekistan, Samarkand, st. Amir Temur 18, Tel: +99818 66  
2330841 E-mail: [sammi@sammi.uz](mailto:sammi@sammi.uz)

### ✓ *Resume*

*The aim of the study was to determine the proportion of salmonellosis among acute intestinal infections reported in the Samarkand region. For this purpose, official data on the incidence of acute intestinal infections (AII) in the studied years were obtained from the Center for Sanitary and Epidemiological Welfare and Public Health of the Republic of Uzbekistan, and a retrospective analysis was conducted. According to the results, the frequency of acute intestinal infections in the Samarkand region shows a tendency to increase, similar to other regions of the Republic of Uzbekistan. The etiological factor was confirmed in only 1 in 7 of the registered AII by bacteriological methods. On average, 3.6% of intestinal infections with a confirmed etiological factor are salmonellosis.*

*Keywords: salmonellosis, Samarkand region, incidence rate.*

### Долзарблиги

**Ж** ССТ маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйлаб тахминан 90 миллион гастронтерит ҳолати ва тахминан 155,000 ўлим ҳолатлари рўйхатга олинади. Сальмонелла дунё бўйича диарея билан кечувчи касалликларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этади [1; 2; 3].

Сальмонеллеларнинг учраш даражаси йиллар кесимида турли давлатларда турлича бўлган. Ҳақиқатан, адабиётларда келтирилишча, 2017 йилда Польшада сальмонелла инфекциясининг 1000 та ҳолати қайд этилиб, касалланиш даражаси 100 минг аҳолига нисбатан 26,0% ни ташкил этган [4]. 2019 йилда Европанинг 23 давлатида жами 926 та озиқ-овқат орқали юқадиган сальмонеллеларнинг чақнаши қайд этилган, натижада 9169 та ҳолат рўйхатга олинган, 1915 нафар киши касалхонага ётқизилган ва 7 киши вафот этган. 2019 йилда юзага келган озиқ-овқатга боғлиқ чақнашларнинг 17,9% (олтитадан бири) сальмонеллаларга боғлиқ бўлган [4]. Қўшма Штатларида сальмонелланинг иккита серовари энг кўп тарқалган *Salmonella enterica Typhimurium (S. Typhimurium)* ва *Enteritidis (S. Enteritidis)* бўлиб, умумий чақнашларнинг 41,5% ни ташкил қилади [5]. 2015 йилдан 2020 йилгача Россия Федерациясида доминант серотиплар *S. Enteritidis* (64,7%), *S. Typhimurium* (4,8%), *S. Infantis* (3,2%) бўлган. *S. Infantis* товуқ гўшти ва курка гўштига боғлиқ бўлса, *S. Kentucky*, *S. Typhimurium* - атроф-муҳит объектлари ва чўчка гўштига боғлиқ бўлган [6]. Н.К. Кожаметова (2019) ва ҳаммуаллифларнинг таъкидлашича, Қозғистон Республикаси Олма-ота шаҳрида 2013-йилда сальмонеллелар билан касалланишнинг 269 та ҳолати қайд этилган бўлиб, ҳар 100 минг аҳолига тўғри 17,52 тани ташкил этди, бу 2012 йилнинг шу кўрсаткичидан 25,9 фоизга кам бўлди. 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида 60 та ҳолат қайд этилган бўлиб, 100 минг кишига нисбатан 16,17 ни ташкил этди, бу 2012 йил даражасидан 44,9 тага кам. Асосан катталар касалланиб, уларнинг улуши 77,7% ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида Алматов Б.И. ва ҳаммуалифлар томонидан (2018) нотифоид сальмонеллеларнинг учраш даражаси 2008-2017 йиллар оралиғида таҳлил қилинганда маълум бўлдики, Республикада сальмонеллелар билан касалланишнинг ўртача кўрсаткичи 2012 йилдан бошлаб *S. enteritidis* улуши аста-секин ўсиб борди ва ўрганилаётган йилларнинг якунига келиб, у аввалги етакчи серовар *S. typhimurium* (42,0% ва 39,5%) билан деярли тенг бўлиб қолди. Самарқанд шаҳрида сероварларнинг ўзгариши жадалроқ содир бўлди: 2012-йилда *S. enteritidis* ўсиб чиқиш дараси 18% дан 39% гача ўсиши қайд этилди. 2017 йилга келиб, ушбу серовар

доминант бўлиб, ўткир ичак инфекциялари билан касалланган беморлардан *S. Typhimurium*га (мос равишда 60,5% ва 19,2%) кўра уч маротаба кўпроқ ажратила бошлади. Ўрганилган адабиётлар шарҳига кўра хулоса қилиш мумкинки, сальмонеллез инфекциясининг тарқалиш тезлиги ва унинг минтақалар бўйича тақсимланишининг нотекислиги бевосита ижтимоий ва экологик омилларга боғлиқ. Шу билан бирга сальмонеллезнинг етакчи штамлари ва юқиш йўллари ҳар бир ҳудуднинг овқатланиш тартиби, урф-одатларига мувофиқ келади. Ўзбекистон Республикаси бўйича сальмонеллез билан касалланиш даражаси ўрганилганида, касалланиш асосан Республика бўйича ва Самарқанд шаҳрида ўрганилган, аммо Самарқанд вилояти ва унинг туманлари кесимида касалланиш даражаси, сальмонеллезнинг етакчи штамми ва кўп учрайдиган юқиш йўллари қиёсий равишда ўрганилмаган.

**Тадқиқот мақсади:** Олинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда Самарқанд вилоятида рўйхатга олинган ўткир ичак инфекциялари ўртасида сальмонеллез улушини аниқлаш.

### Материал ва усуллари

Самарқанд вилоятида 1991-2023 йилларда ўткир ичак инфекцияларининг учраш даражаси, уларнинг орасида тасдиқланган ва тасдиқланмаган ичак инфекцияларининг улуши, жумладан сальмонеллез билан касалланишнинг динамикаси ва аҳамиятини ретроспектив эпидемиологик таҳлил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасидан ўрганилаётган йиллардаги ўткир ичак инфекциялари билан касалланиш тўғрисидаги расмий маълумотлар олинди ҳамда ретроспектив таҳлил қилинди, яъни Самарқанд вилояти аҳолисининг ўткир ичак инфекциялари билан касалланиш жадаллиги, динамикаси, таркиби ҳамда уларнинг орасида сальмонеллезнинг аҳамияти аниқланди.


### Натижа ва таҳлиллар

Ўзбекистон Республикаси санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги марказининг 1991-2023 йиллар ораллигида Самарқанд вилояти бўйича рўйхатга олинган ўткир ичак инфекциялари (ЎИИ) ҳолатларининг таҳлили ўтказилди. Олинган натижаларга кўра, 1991 йилда Самарқанд вилоятида 100 000 аҳолига нисбатан 535,8 та ҳолат рўйхатга олинган бўлиб, касалланиш даражаси аста-секин пасайиб борган ҳамда 2003 йилга келиб 100 000 аҳолига нисбатан 84,5 та ҳолатни ташкил қилган. 2003 йилдан 2019 йилгача Самарқанд вилоятида рўйхатга олинган ЎИИ ларининг ҳолати тўлқинсимон кечишга мойил бўлган, аммо 100 000 аҳолига нисбатан 100 та ҳолатдан юқорига кўтарилмаган, аммо 100 000 аҳолига нисбатан 80 та ҳолатдан ҳам пастга тушмаган. 2020 йилда дунё бўйича кузатилган COVID-19 инфекциясининг пандемияси даврида ЎИИ билан касалланиш даражаси ҳам 231,1 та ҳолатдан кескин 63,8 та ҳолатга пасайган, аммо 2021 йилдан келиб яна 123,7 та ҳолатга кўтарилган, 2021 йилдан касалланиш даражаси кўтарилишга мойил бўлиб сўнгги 24 йил давомида ҳеч ҳам кузатилмаган даражага етган (203,5 та ҳолат).

Ўрганилаётган йилларда аниқланган ЎИИ ларининг бактериологик тасдиқланган ва тасдиқланмаган улушлари ўзаро қиёсий таҳлил этилганида маълум бўлдики, ўрганилаётган йилларда ЎИИ ларининг тасдиқланган ва тасдиқланмаган ҳолатлари умумий касалланиш тенденцияда бўлган. 1991 йилда умумий касалланишнинг фақатгина 1:5 қисми бактериологик текширувда этиологик омили тасдиқланган, қолган ҳолатларда номаълум этиологияли ўткир диарея сифатида ташхисланиб, даволанган.

2003 йилда эса ушбу кўрсаткич 1:3 ни, 2019 йилда эса ЎИИ ларининг яна 1:5 қисми, 2023 йилда эса 1:7 қисмининг этиологик омили тасдиқланмаган (1-расм).

Биз, Самарқанд вилоятида кузатилган ЎИИ ҳолатларини Ўзбекистон Республикасида кузатилган ЎИИ ҳолатлари билан қиёсий таҳлил қилдик. Олинган маълумотларга кўра, 1992 ва 1993 йилларда Самарқанд вилоятида кузатилган ЎИИ ҳолатлари Республикада кузатилган ҳолатдан паст бўлган, қолган йилларда Республикада рўйхатга олинган ҳолатларнинг учраш тенденциясига мувофиқ равишда кузатилган, аммо Республикада кузатилган кескин кўтарилишлар ёки пасайишларда Самарқанд вилоятида кузатилган ҳолатлар силлиқ кечган, хаттоки пандемия вақтида Республикада кузатилган касалланишнинг кескин пасайиши Самарқанд вилояти учун хос бўлмаган, аммо Самарқанд вилоятида ҳам Республика каби 2021-2023 йилларда ЎИИ ларининг рўйхатга олиниш ҳолатлари ошишга мойил (2-расм).



**1-расм.** Самарқанд вилоятида рўйхатга олинган ўткир ичак инфекциялари ҳолатларининг таҳлили (интен кўрсат.)




**2-расм.** Самарқанд вилоятида кузатилган ЎИИ ҳолатлари Ўзбекистон Республикасидаги ҳолатларга нисбатан қиёсий таҳлили.

Биз, Самарқанд вилоятида кузатилган ЎИИ ларининг тасдиқланган ҳолатлари орасида тасдиқланган сальмонеллэзнинг улушини ўргандик. 3.3-расмда келтирилганидек. 1991-1995 йиллар оралиғида тасдиқланган ЎИИ лари орасида сальмонеллэзларнинг аниқланиш даражаси ўртача 19,2% ни ташкил қилган, ўрганилаётган қолган йилларда эса сальмонеллэзнинг аниқланиш даражаси тасдиқланган ЎИИ ларининг ўртача 3,6% ни ташкил қилган (3-расм).

Олинган таҳлилга кўра, Самарқанд вилоятида ЎИИ ларининг учраш даражаси Ўзбекистон Республикасининг бошқа туманларидан фарқ қилмаган ҳолда кўтарилишга мойил бўлиб кузатилмоқда, рўйхатга олинган ЎИИ ларининг фақат 1:7 қисмининг этиологик омили

бактериологик текширув усули ёрдамида тасдиқланмоқда, этиологик омили тасдиқланган ичак инфекцияларининг ўртача 3,6% ни сальмонеллэз инфекцияси ташкил қилади.



**3-расм.** Самарқанд вилоятида тасдиқланган ЎИИ лари орасида тасдиқланган сальмонеллэзнинг улуши (мутлок қиймат)

Таҳлилдан кўриниб турганидек, катта ҳолатларда ЎИИ ларининг этиологик омили тасдиқланмаяпти. Бу эса, Самарқанд вилоятида сальмонеллэз билан касалланишнинг ҳақиқий қийматини билишга тўсқинлик қилади.

### Хулоса

Самарқанд вилоятида ЎИИ ларининг учраш даражаси Ўзбекистон Республикасида кузатилган ҳолат каби кўтарилишга мойил бўлиб, рўйхатга олинган ЎИИ ларининг фақат 1:7 қисмининг этиологик омили бактериологик текширув усули ёрдамида тасдиқланмоқда, этиологик омили тасдиқланган ичак инфекцияларининг ўртача 3,6% ни сальмонеллэз инфекцияси ташкил қилади.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХТИ:

1. Nedeljković M.; Sastre D.E.; Sundberg E.J. Bacterial flagellar filament: A supramolecular multifunctional nanostructure. // Int. J. Mol. Sci. 2021;22:7521.
2. World Health Organization. Disease Outbreak News; Multi-Country Outbreak of Salmonella Typhimurium Linked to Chocolate Products–Europe and the United States of America. 2022. Available online: <https://www.who.int/emergencies/disease-outbreak-news/item/2022-DON369> (accessed on 21 November 2022).

3. Худойдодова С.Г. Состояние эритроцитарного и тромбоцитарно-сосудистого гемостаза при сальмонеллезе у детей раннего возраста: / Автореф.дис...канд.мед.наук: -Т., 1997; 17 стр.
4. Milczarek M, Sadkowska-Todys M, Czarkowski MP, Kitowska W. Salmonellosis in Poland in 2017. // Przegl Epidemiol. 2019;73:463-77.
5. ECDC Salmonella the Most Common Cause of Foodborne Outbreaks in the European Union. European Centre for Disease Prevention and Control. 2019. [(accessed on 20 October 2022)]. Available online: <https://www.ecdc.europa.eu/en/news-events/salmonella-most-common-cause-foodborne-outbreaks-european-union>
6. Bhunia, A.K. Salmonella enterica. In Foodborne Microbial Pathogens: Mechanisms and Pathogenesis // New York, NY, USA, 2018; pp. 271-287.
7. Тихонова Е.П., Кузьмина Т.Ю., Миноранская Н.С. Сальмонеллез у взрослых: клинико-эпидемиологические особенности, оптимизация терапии // Инфекционные болезни: Новости. Мнения. Обучение, 2020;9:4(35):98-102.
8. Кожаметова Н.К., Белходжаев А.А., Казаков С.В. Эпидемиологическая ситуация по сальмонеллезу за 2013-2017 годы в г. Алматы. // Вестник Казахского Национального медицинского университета, 2019;1:664-666.
9. Алматов Б.И. Острые кишечные инфекции в Узбекистане. // Бактериология, 2018;3(3):14-18.
10. Матназарова Г.С., Саидкасимова Н.С Жуманиязова М.К Хамзаева Н.Т Оценка проявленного эпидемического процесса сальмонеллеза // IQRO журналы 2023;3:37-42.
11. Иванова Э.Н. Клинико-патогенетическое значение наличия энтеропатогенных вирусов при коморбидном течении сальмонеллеза / Автореф дисс. на соис. уч. степ. к.м.н. - Санкт-Петербург 2017; 22 стр.
12. Мирзажоннова Д.Б., Бахриева З.Д., Абдухалилова Г.К., Имамова И.А. Сальмонеллёзов на современном этапе (обзор литературы). // Тошкент тиббиёт академияси ахборотномаси 2021;5:104-110.
13. Мирзажоннова Д.Б., Бахриева З.Д. Журнал гепатогастроэнтерологических исследований. // Ежеквартальный научно-практический журнал “Болаларда салмонеллез касаллиги тарқалган шакли клинико лаборатор кечиш хусусиятлари” 2021;1(1):90-92.

**Қабул қилинган сана 20.01.2025**